

Баҳорнинг беш куни

«Гидромелиорация» факультети ёшлар иттифоқи кенгаши ташаббуси билан баҳор фаслини кўтаринки руҳда кутиб олиш мақсадида «БАҲОРНИНГ БЕШ КУНИ» фестивали ташкил этилди. Фестиваль 5 кун давомида бўлиб, унда факультет миқёсида ҳар куни баҳор фаслини тараннум этувчи тадбир ва лойиҳалар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, биринчи кун (1-март) баҳорнинг илк куни бўлганлиги муносабати билан факультет ёшлар иттифоқи аъзолари билан профессор-ўқитувчиларга значоклар тарқатиш ишлари олиб борилди. Шу куни катта танаффус вақтида факультет ёшлар кенгаши аъзолари билан “Сен баҳорни соғинмадингми” шиори остида флешмоб бўлиб ўтди. Флешмобда «Гидромелиорация» факультет номи остида турли «ҳарфлар» ясалди.



Факультет ёшлар етакчиси Нодир Олимжонов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов